

Махфий никоҳ

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф



17:40 / 19.12.2018 10870

Бир бева аёл билан танишиб қолдим, ҳижоб ўраганига уч ой бўлибди. Турмуш ўртоғи вафот этган. У аёл тез-тез бир маршрут таксисига чиқаркан. Уни бир ҳайдовчи учинчи хотин қилиб никоҳига олишини айтибди. Мени ҳайрон қолдирган нарса – никоҳ махфий бўларкан, яъни аёлнинг қариндошлари ва бўлажак кундошлари бу ҳақда билмасликлари керак экан. Аёл ўлган эрининг уйида қайнонаси ва икки боласи билан яшайверар экан. Улар яширинча учрашиб туришар экан. Ҳайдовчи одамнинг айтиши бўйича, у бева аёлни зинодан сақламоқчи экан. Шу иш мумкинми? Бу ҳолатда у ҳамма хотинларига тенг муомала қила олмайди-ку!

Жавоб: Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

Ўша аёлга мазкур ҳайдовчидан бошқа эр топилмас эканми? Бунақа ишларда шошилмай, маслаҳат билан иш кўриш керак. Аёл киши умри бўйи бировга билдирмай, учинчи хотин бўлиб, беркиниб учрашиб юриши шартми?!

Афсуски, баъзи аёллар диний гапларни айтган одамларнинг алдовига учишади. Менга ҳам бунга ўхшаш хабарлар кўп келган. Бир одам бир аёлни алдаб, ҳажга олиб бораман, у қиламан, бу қиламан деб никоҳига олиб, бир кечадан кейин ғойиб бўлган. Аёл бечора уни топа олмаган. Бошқа эр қилай деса, бировнинг никоҳида. Мазкур ноинсоф ҳеч бўлмаса бошини очиб қўймаган.

Бундай ҳолатларда кенгаш билан, суриштириб, билиб иш кўриш керак. Намозни, ҳажни, қироатни ўртага қўшагина ишониб кетавериш тўғри келмайди. **Валлоҳу аълам.**